

## **ОМИХТА ЕМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ ЧИҚИНДИЛАРИ ТАВСИФИ**

*Н. Н. Тұраева ўқытувчи, Р. Юнусов (доцент қ.х.ф.н.)*

Бух ДУ, Агрономия ва биотехнология факультети

**Аннотация:** Мақолада оміхта ем шилаб чиқаршида құлланыладыган қайта +шилаи саноати чиқиндиларини күрсаткычлари ва таснифи көлтирилген. Республика мінистерсттің турлы министерлердің тупроқ-икәттіл шароиттарынан мос бўлған, қурғоқчилек ва иссиқликка, касаллик ҳамда зарапкунандаларга ва ётиб қолишига чидамли, ҳосилдорлиги 40-45 ү/га бўлған интенсив тиңдаги оміхта ембон донли экинлар навларини яратиш, оміхта ем шилаб чиқаршида алтернатив хом ашёлардан кенг қўламда фойдаланиши.

**Калит сўзлар:** Омихта ем, ишилаб чиқарии, қайта ишилаш саноати кўрсаткичлари тавсифи, чиқиндилари, бошоқли дон турлари, дуккакли экин, озуқабон ўт, маккажўхори, сули арпа, бүгдой, жавадар, тарик, оқ жўхори, нўҳат, хашики нўҳат, ясмиқ, алкалойдисиз люпин.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида янгича иқтисодий муносабатларга ўтиш билан чорва маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бориши. ҳозирги даврга келиб чорвачиликни янада ривожлантириш, унинг озуқа базасини кескин мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Бу борада республикамиз ҳукумати томонидан кўпгина қарор ва фармойишлар қабул қилиниб, қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари каби чорвачиликни ривожлантиришга ҳам жидий эътибор берилмоқда. Шунинг учун республикамизни турли минтақаларининг тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган, қурғоқчилик ва иссиқликка, касаллик ҳамда зааркунандаларга ва ётиб қолишга чидамли, ҳосилдорлиги 50-60 ц/га бўлган интенсив типдаги омиҳта ембоп донли экинлар навларини яратиш ва қўллаш, омиҳта ем ишлаб чиқаришда алтернатив хом ашёлардан (турли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар чиқиндилари) кенг қўламда фойдаланиш, омиҳта емнинг сифатини унинг таркибини турли ингредиентларни киритиш орқали кўринарли ошириш бугунги кунда дон маҳсулотларини қайта ишлаш мутахассислари ва соҳаси олдидағи асосий йўналишлардан бири бўлиб қолди. Омиҳта ем ишлаб чиқариш мақсадида шартли равишда гурухларга бўлинувчи турли хил хомашёлар қўлланилади. Бу хомашёларнинг баъзи турлари мустақил ҳолда озуқа маҳсулотлари сифатида ишлатилади, омиҳта ем ишлаб чиқаришда эса улар унинг таркибига ингредиентлар кўринишида киритилади. Омиҳта ем заводларга келиб тушадиган хомашёлар кўп ҳолларда ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари чиқиндилари ҳисобланади. Омиҳта ем ишлаб чиқариш учун қуйидаги хомашёлар ишлатилади. Бошоқли ва дуккакли экинлар донлари, баъзи озуқабоп ўтларнинг уруғлари: сули, арпа, маккажўхори дони ва сўтаси, буғдой, жавдар, тарик, чумиза, оқ жўхори, нўхат, хашаки нўхат, ясмиқ, хашаки нўхат уруғлари, алкалойдиз Люпин ва бошқалар киради. Тегирмон ва ёрма заводларидан чиқадиган чиқиндилар: буғдой ва жавдар кепаклари, буғдой, арпа, сули, маккажўхори, гуруч, тарик, нўхат, жавдар, гречихаларга ишлов берганда ажраладиган озуқа унлари; буғдой, жавдар, нўхат оқшоқлари; оқ ва кул ранг тегирмон чанглари; маккажўхори, буғдой, шоли кўртаклари; таркибида 60 % гача фойдали дон сақлаган донли чиқиндилар. Мой ишлаб чиқариш заводларининг чиқиндилари - шрот ва кунжара: кунгабоқар, пахта чигити, соя, зигир, ерёнғок, каноп, кунжут, кориандр, канакунжут ва бошқалар. Шакар ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиндилари:-



лавлагининг қуритилгани, меласса; Крахмал- саноати корхоналарида ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган чиқиндилар: маккажўхорили ва буғдойли қуруқ озуқа, картошкали қуруқ мезга. Минерал озуқалар: ош тузи, бур, суяқ уни, оҳак, моллюска чиганоқлари табакаси уни, микродозалардаги баъзи элементлар турлари. Тадқиқот натижалари турли экин донлари ва уруғлари, шунингдек ун ва ёрма ишлаб чиқариш саноати чиқиндилари кўпгина омухта емларнинг мажбурий холда асосий ташкил қилувчи қисмлари ҳисобланади. Донли ем-хашакнинг катта аҳамиятга эга эканлиги унинг юкори озуқа қийматлиги ҳисобланади. Ем - хашак экини сифатида энг аҳамиятлиси маккажўхори, арпа ва сулидир. Омихта емдаги дон миқдори дон тури, ҳайвон тури ва уларнинг хўжалик - эксплуатацион гурухига боғлиқ холда ўзгариб туради. Турли омихта ем таркибига аралашма ёки алоҳида - алоҳида кўринишда 10 дан 50 % гача сули, 30 дан 50 % гача ва ундан кўп арпа, 20 дан 35 % гача ва ундан кўп маккажўхори, 15 дан 30 % гача жавдар, 20 дан 30 % ва ундан кўп буғдой қўшилади. Тегирмон ва ёрма заводларининг баъзи чиқиндилари (кепақ, тегирмон чангி, озуқабоп ун) аввало озуқа максадида ишлатилади ва яхши самара беради. Буғдой ва жавдар кепаги улардан навли ва оддий ун тортиш натижасида ҳосил бўлган қўшимча махсулот сифатида олинади. Улар дон қобиқларининг майдаланган бўлакчалари ва куртак аралашмаларининг турли катталикларидан иборат. Ун тортишда ва навли уннинг чиқишига боғлиқ холда буғдойни қайта ишлашда кепакнинг миқдори 9,5 - 18,5 %, жавдарни қайта ишлаганда эса 9,0 % дан 18 % гача етиши мумкин. Унинг таркибида оз ёки кўп миқдорда эндосперма, ва турли миқдорда клетчатка ҳам кўп бўлиши мумкин. Тегирмон чангига буғдой ва жавдарни майдалашдан олинади. У мағизнинг чангсимон қисмлари ва қобиқдан аралашмасидан ташкил топган. Озуқа ем максадида оқ ва кул ранг тегирмон чангига ишлатилади. Озуқа уни турли экин донларидан ёрма олишда ёки буғдой ва жавдардан бир навли ун тортишда ҳосил бўлади. Улар мағиз қисмчаларидан, мева ва уруғ қобиқларидан, кисман муртакдан, агар гул қобиқли донларга ишлов берганда,-гул қобиқ бўлакчаларидан иборат бўлади. Озуқа уни миқдори ишлаб чиқаришга тушадиган доннинг вазнига нисбатан олинадиган ёрма туридан ва навидан боғлиқ холда 5-20% гача, буғдой ва жавдардан ун тортишда эса 6 - 15 % гача етиши мумкин. Донли чиқиндилар асосий озиқ-овкат экинлари донларини дон қабул қилиш пунктларида, элеватор, тегирмон ва ёрма заводларида донли ва ифлослантирувчи аралашмалардан тозалашдан олинади. Омихта ем таркибида донли чиқиндилар билан фойдали донни 60% гача киритишга рухсат берилади. Донли чиқиндилар таркибидаги фойдали донлар асосий экин донлари ва донли аралашма таркибида кирувчи донлар ҳисобланади. Донли чиқиндиларнинг озуқавийлиги уларнинг таркибидан боғлиқ ҳолда сезиларли ўзгаради. Буғдой озуқа уни нормал ҳидли ва таъмли бўлиши, ранги эса кулранг - малла бўлиши керак, чайқаш усули бўйича кислотавийлиги 5% дан ошмаслиги, кулдорлиги 3,5% дан паст ва 4 % дан юкори бўлмаслиги, намлиги 15% дан ошмаслиги талаб этилади. Омихта емга донли чиқиндиларни ишлатганда асосий эътибор захарли аралашмалар миқдорига қаратилади. Уларнинг миқдори озиқ-овкат ва ем - хашак учун белгиланган қийматлардан ошмаслиги керак.

Кунжара ва шрот - бу ёғ олувчи заводларда мойли экин уруғларидан ва маккажўхори куртагидан майдалаб мой (ёғ) олиш натижасида ҳосил бўладиган қўшимча махсулотлардир. Кунжара ва шрот қишлоқ хўжаликлари томонидан доимо юкори талаб билан фойдаланиладиган, энг биринчи қаторда турадиган кийматли ем ҳисобланади. Улар халкаро савдода ҳам зарурий объект ҳисобланади. Кунжара уруғлар пресслаб олинади, ва бунинг натижасида ундан ёгнинг асосий кисми ажралади. Бошқача килиб айтганда бу - прессланган ёғсизлантирилган уруғлардан иборат булади. Кунжарадаги ёғ миқдори одатда 6-9% дан ошмайди. У пресслаш усули (совук ёки иссик) ва қўлланиладиган машина типига боғлиқ. Қишлоқ хўжалик типидаги мой заводларида кунжара олинганда унинг



таркибидаги ёг замонавий ускуналар билан жихозланган заводлардан ишлаб чикарилган кунжараникига қараганда күп бўлади. Ёғдан ташкари, кунжарада уруғ таркибиға кирувчи деярли барча моддалар сақланади. Ёғни совук пресслаш усули билан (урӯғларни қиздирмасдан) олганда кунжара ва уруғ моддалари сифати бўйича уруғ моддаларидан фарқ қилмайди, иссик пресслаш (уругларни дастлабки қиздириш) усулида эса моддаларнинг баъзи бир ўзгариши (оқсилилар денатурацияси) кечади. Шрот майдаланган мойли экинлар уруғини эритувчилар (бензин, дихлорэтан ва б.) ёрдамида экстракциялаш йўли билан ёғи олинган маҳсулотdir. Экстракциялаш тугаши билан эритувчилар уруғ қолдиқларидан ҳайдалади ва улар қуритилади, шунинг учун шрот хамма вақт оқувчан маҳсулот ҳисобланади. Экстракциялашда ёғнинг катта қисми эритувчи билан ажралади, ва шунинг учун шрот таркибида ёғининг миқдори күп эмас (0,74 %). Кунгабоқар кунжараси ва шроти - ҳайвонлар севиб истеъмол қиласидан қимматли, юқори тўйимли ем ҳисобланади. Унинг ранги турли тусланувчи қулранг бўлади. 100 кг кунгабоқар кунжараси 113 озуқа бирлигига мос келади. Қипиқнинг миқдори бўйича улар одатий ва камқиқли бўлади. Одатий кунжара 15,5 % гача, камқиқли (мой олишдан олдин уруғ кобиксизлантирилади ва мева кобигининг катта қисми ажратилади) кунжарада эса – 4 % гача қипиқ мавжуд. Одатий кунжара ва шрот таркибида қипиқ ва клетчатканинг миқдори юқори бўлғанлиги учун ёш ҳайвон ва паррандалар емига киритилмайди. Кунгабоқар шроти эса сут билан бокилаётган бузоқлар емига киритилмайди. Зигир кунжараси ва шроти турли тусланувчи малла ва қулранг бўлади. Озуқавийлиги бўйича кунгабоқар кунжараси ва шротига якин 100 кг зигир кунжараси 117 озуқа бирлигига teng. Зигир кунжараси бир қанча ижобий хусусиятга эга бўлиб, бу ундан фойдаланишга таъсир кўрсатади.

Зигир кунжараси сувда шишиб, шиллиқ ҳосил қиласи ва бу ҳайвон ичагини яллигланишидан сақлайди ҳамда яхши таъсир кўрсатади. Балиқлар учун мўлжалланган емга зигир кунжараси қўшилганда унинг қовушқоғлиги ошади, сувда секин ёйлади ва эзилади. Баъзи холларда зигир кунжараси ўзида синил кислотасини саклайди, унинг 300 мг ёки ундан кўпроғи ҳайвон учун хавфли доза ҳисобланади. Чигит кунжараси, омухта ем учун ишлатиладиган қобиқли ва қобиксиз уруғлардан олинади ва икки типга бўлинади (чигит олинадиган пахта навидан боғлиқ ҳолда). Бу оддий пахта чигити ва ипак пахта чигитидир.

Оддий пахта чигити сифатидан боғлиқ ҳолда I ва II навга бўлиниши мумкин. Кунжара ранги турли сариқ рангда, сарғимтирилганда яшил ёки қўнғир рангли, кизил - қўнғир ва малла рангда бўлади. Пахта шроти хам кунжара каби қобиқли ва қобиксиз уруғлардан олинади. Ем мақсадида қобиксиз уруғ шроти ишлатилади. Пахта шроти сариқ- қўнғир рангдан малла ранггача бўлади. Сифатидан боғлиқ ҳолда у иккита навга бўлиниади. Чигит кунжараси ва шроти яхши озуқавийликтаги эга. Кунжара ва шротининг умумий озуқавийлиги 104 - 108 озуқа бирлигига, ҳазм бўлувчи протеин миқдори 34-38 % га, ҳўл клетчатка 6-7,5 % га teng. Бирок чигит кунжараси ва шроти ўзида захарли модда - гассипол саклайди, шунинг учун улар омухта емга максимум 10 % атрофида киритилади. Госсипол пахта чигитида катта кийматларда ўзгариб туради, шунинг учун унинг миқдори кунжара ва шротда турлича бўлади. Пахта чигитида, хусусан кунжара ва шротда госсипол икки хил шаклда - эркин ва боғланган ҳолда бўлади. Захарли хусусиятни эса эркин госсипол номоён қиласиди. Соя кунжараси ва шроти юқори озуқавийлиги билан тавсифланади. 100 кг соя кунжарасининг умумий озуқавийлиги 10 % намлиқда 126 озуқа бирлигига, соя шроти эса 11,1 % намлиқда - 119,3 озуқа бирлигига teng. Соя кунжараси ва шроти протеинга бой, нисбатан кўп бўлмаган клетчатка (6-7 %) ушлайди, ҳамда озуқавийлиги жиҳатдан кўп емлардан, шунингдек оқсили экин уруғларидан устун



туради. Соя кунжараси ва шроти паррандаларни боқишида алохидат кийматга эга ҳисобланади. Улар ёғнинг оқариш имконини беради. Соя шроти билан боқилган чучқаларда сала сифати яхшиланади. Ерёнгоқ кунжараси ва шроти - жуда кимматли озуқа махсулот бўлиб, оқсилга бой. 100 кг кунжаранинг озуқавийлиги 122-126 озуқа бирлигига тенг, протеин микдори 50-52%, клетчатка 3-4%. Ерёнгок кунжараси ва шроти билан чучқалар боқилганда у сала сифатига яхши таъсир қиласи. Кунжут кунжараси ва шроти қобикли ва қобиқсиз уруғларга ишлов беришда олинади.

Омухта ем ишлаб чиқаришда кўпинча қобиқли уруғ кунжара ва шроти ишлатилади. Кунжут кунжараси ва шроти юқори озуқабоп емлар ҳисобланади. 100 кг кунжут кунжараси 128-133 озуқа бирлигига мос 37-40% ҳазм бўлувчи протеинга эга. Маккажӯҳори кунжараси ва шроти - маккажӯҳори куртагидан мойи ажратиб олингандан кейин ҳосил бўлган қўшимча махсулот тоифасига киради. 100кг маккажӯҳори кунжарасининг умумий озуқавийлиги 118-120 озуқа бирлигига, шротники эса 115-117 озуқа бирлигига тенг. Жӯҳори шротини омухта емга қўшишнинг максимал киймати - 25%. Шакар саноати шакар лавлагининг катта микдордаги асосини қайта ишлайди. Туруп (жом) - бу қанд лавлаги қириндисидан сахарозани сув билан ажратиб олгандан кейин ҳосил бўладиган қолдиқлар. Одатда туруп таркибида бор-йуғи 0,3% гача шакар мавжуд. Янги олинган турупда 93% гача сув бўлади. 100 кг турупда 8 озуқа бирлигига тенг ва унда 900 г ҳазм бўлувчи протеин бор. Туруп барра ва силосланган ҳолда йирик шохли ҳайвонларни ҳамда чучқаларни боқишида фойдаланилади. 100 кг қурук туруп 85 озуқа бирлигига тенг ва 4 кг ҳазм бўлувчи протеинга, 717 гр кальций ва 307 гр фосфорга эга. У молларга берилишдан олдин сувда бевосита ивитилади ёки омихта ем билан биргаликда берилади.

Хулоса, шунингдек, юқорида қайд этилганлардан шу аниқ булдики, омихта ем ишлаб чиқаришда қўлланиладиган қайта ишлаш саноати чиқиндилари мақсадли ва уларнинг таркибини инобатга олган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Torayeva, N. (2020). QISHLOQ ХУЖАЛИГИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ мавзусидаги Республика микёсидаги хорижий олимлар иштирокида онлайн илмий-амалий анжуман ТУПЛАМИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (*buxdu. uz*), 1(1).
2. Torayeva, Nargiza. "PHYSICS-MECHANICAL PROPERTIES OF IRRIGATED MEADOW SOILS IN BUKHARA REGION." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (*buxdu. uz*) 3.3 (2021).
3. Torayeva, Nargiza. "ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРДА ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (*buxdu. uz*) 3.3 (2021).
4. Torayeva, Nargiza. "Influence of Types of Roots and Schemes of Placing Peach on Yield and Chemical Composition of Fruit." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (*buxdu. uz*) 3.3 (2021).
5. Torayeva, Nargiza. "МИКРООРГАНИЗМЫ ОРОШАЕМЫХ ПОЧВ БУХАРСКОГО ОАЗИСА." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (*buxdu. uz*) 3.3 (2021).
6. Torayeva, Nargiza. "REASONS FOR SOIL EROSION AND ITS PREVENTION MEASURES." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (*buxdu. uz*) 3.3 (2021).
7. Yunusov, Rustam, et al. "THE DEPENDENCE OF THE GROWTH, DEVELOPMENT AND PRODUCTIVITY OF APPLE TREES ON THE FACTORS OF CARE ON LOW-



SALINE SOILS OF THE BUKHARA REGION." *Web of Scientist: International Scientific Research Journal* 3.02 (2022): 773-781.

8. Amrilloyevna, Ganiyeva Feruza, and Yunusov Rustam. "THE GROWTH, DEVELOPMENT AND YIELD OF APPLE TREES IN INTENSIVE FRUIT ORCHARDS ARE HARDWOOD CUTTING COMBINATIONS AND THEIR DEPENDENCE ON THE THICKNESS OF SEEDLINGS." *NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal/ NVEO* (2021): 9591-9595.
9. Atayeva, Zamira, et al. "INFLUENCE OF CULTIVAR COMBINATIONS AND SEEDLING THICKNESS ON THE FORMATION OF PHYTOMETRIC INDICATORS AND PRODUCTIVITY OF PEAR TREES IN INTENSIVE ORCHARDS." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 10.9 (2020).
10. Yunusov, Rustam. "int INTENSIV BOG'LARDA PAKANA NOKLARNI TEJAMKOR INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA PARVARISHLASH OMILLARI.: R. Yunusov, FA Ganieva, OO Orifov." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 7.7 (2021).
11. Yunusov, Rustam. "INTENSIV PAKANA NOK BOG'LARI TUPROG'INING FIZIKAVIY-KIMYOVII XOSSALARI VA REJIMINING TASNIFI." *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)* 7.7 (2021).
12. Yunusov, R., Ganieva, F. A., Artikova, M. I., & Atayeva, Z. A. (2022). THE DEPENDENCE OF THE GROWTH, DEVELOPMENT AND PRODUCTIVITY OF APPLE TREES ON THE FACTORS OF CARE ON LOW-SALINE SOILS OF THE BUKHARA REGION. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 773-781.
13. Amrilloyevna, Ganiyeva Feruza, and Yunusov Rustam. "THE GROWTH, DEVELOPMENT AND YIELD OF APPLE TREES IN INTENSIVE FRUIT ORCHARDS ARE HARDWOOD CUTTING COMBINATIONS AND THEIR DEPENDENCE ON THE THICKNESS OF SEEDLINGS." *NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal/ NVEO* (2021): 9591-9595.
14. Khilola Salimova. CURRENT ANALYTICAL STATE OF MELOIRATIVE CONDITION OF IRRIGATED SOILS OF GIJDUVAN DISTRICT OF BUKHARA REGION. //European Journal of Agricultural and Rural Education (EJARE). Vol. 2 No. 6, June 2021. Pages: 46-48
15. Hafiza Tuymurodovna Artikova, Hilola Hamroevna Salimova. Morphological Condition of Irrigated Soils of Gijduvan District of Bukhara Oasis, Salinity Levels and Increase of Their Fertility. //Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 3, 2021, Pages: 3214 – 3223
16. Hafiza Tuymurodovna Artikova, Hilola Salimova. The Factors Of Formation Of Soil In Gijduvan District Of Bukhara Oasis, Climate, Physical-Mechanical Properties Of Irrigated Soils. // International Journal of Aquatic Science. Vol 12, Issue 03, 2021. Pages: 1929-1935
17. H.T.Artikova, H.X.Salimova. BUXORO VILOYATI SUG'ORILADIGAN TUPROQLARNING MELIORATIV HOLATI VA UNGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR. // XORAQM MA'MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI –8/2021. B: 51-54
18. Hilola Khamroevna Salimova. PRODUCTIVITY OF IRRIGATED SOILS AND ITS PHYSICAL CHARACTERISTICS OF GIJDUVAN DISTRICT. // ResearJet Journal of Analysis and Inventions. Vol 3, Issue 01,Jan., 2022. Pages: 64-68
19. РАШИДОВ, НЭ, and АА ИЛЁСОВ. "ОЧИСТКА КОЛЛЕКТОРНО-ДРЕНАЖНОЙ



ВОДЫ БИОЛОГИЧЕСКИМ МЕТОДОМ." ББК 60 П27 (2018): 205.

20. НАФЕТДИНОВ, ШШ, and АА ИЛЁСОВ. "СОСТОЯНИЕ СОЕДИНЕНИЙ КАТИОНОВ В ПОЧВЕ-КАК ФАКТОР ПЛОДОРОДИЯ." ББК 60 П27 (2018): 217.
21. Илёсов, Ашраф Акбарович. "ЗНАЧЕНИЯ БОБОВЫХ КУЛЬТУР В ПОВЕШЕНИИ ПЛОДОРОДНОСТИ ПОЧВЫ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА." Учёный XXI века 8 (21) (2016): 13-14.
22. Илёсов, А. А., Кадиров, Ш. Ю., Абдурахимов, У. К., Абдурасулов, Х. А., Абдуллаев, Т. П., Бўриев, О., ... & Хажиев, С. О. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ.
23. Ilyosov, Ashraf. "ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА РАСТОРОПША-SILYBUM MARIAMUN (L.) НАВЛАРИНИНГ АЙРИМ ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 7.7 (2021).
24. Ilyosov, Ashraf. "ФЛАВОНОИДЛАР САҚЛОВЧИ АЙРИМ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУРПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 7.7 (2021).
25. Ilyosov, Ashraf. "КУЗГИ БУТДОЙ ЭКИШ МЕЪЁРИНИ УРУТЛАРНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 5.5 (2021).
26. Ilyosov, Ashraf. "БУХОРО ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА УЗУМЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 7.7 (2021).
27. Ilyosov, Ashraf. "EKOLOGIK TOZA MAHSULOT YETISHTIRISHDA DUKKAKLI EKINLARNING АHAMИYATI." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 6.2 (2020).
28. Shadieva, S. S., Borieva, D. I., & Rakhimova, M. A. (2022). The Importance of Agricultural Mapping in Soil Science. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(3), 5-8.
29. Yunusov, Rustam. "THE EFFECT OF CUTTING (PRUNING) METHODS AND LEVELS IN INTENSIVE GARDENS ON THE FORMATION OF APPLE TREES." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 8.8 (2021).
30. Shadieva, Sayyora Sadulloyevna, Dilorom Isroilovna Borieva, and Mahliyo Akramovna Rakhimova. "The Importance of Agricultural Mapping in Soil Science." *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION* 2.3 (2022): 5-8.
31. Yunusov, Rustam. "THE EFFECT OF CUTTING (PRUNING) METHODS AND LEVELS IN INTENSIVE GARDENS ON THE FORMATION OF APPLE TREES." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 8.8 (2021).